

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБЛИГИ

Ҳабибова Махзуна Аъзам қизи,

*Гулистон давлат университети психология ва
ижтимоий фанлар факультети 4-босқич талабаси*

Аннотация. Мазкур мақолада талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва бу жараёнга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар. Компетенция, фикр, қобилият, шахс, позиция, жамият.

Талабаларнинг ўқув фаолияти орқали дунёқараши, тафаккури шаклланади, ижтимоий тизимга онгли муносабати таркиб топади. Илм одамларига аёнки, таълим жараёнида талабанинг фаоллиги ошади ва ўқув фанларига бўлган қизиқиши шаклланади. Таълим жараёнида ижобий натижаларга эришиш, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар бериш, уларнинг асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур қўламини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш борасидаги ишларни самарали ташкил этиш билан белгиланади. Ўз-ўзидан бу самарадорлик олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, ўтказилиши, эришган натижалари билан узвий боғланган. Шунингдек, бу жараённинг талабаларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришдаги ўрни ҳам ўзига хосдир. Ёш авлод аклий-маънавий камолотини таъминлашда уларнинг мустақил фикрлаши улкан аҳамият касб этишини асослаш долзарб илмий муаммога айланди. Шу маънода В.Каримова, Р.Суннатов, З.Нишонов, К.Кенжабаева, педагоглар Н.Алаутдинова, Қ.Ҳусанбоева, М.Зайниддинова, Ш.Нуруллаева, М.Саидов, Б.Ходжаев каби олимларнинг талаба тафаккури мустақиллиги ва уни ривожлантириш борасида олиб борган тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Мустақил фикрлаш тушунчаси, унинг шахсни шакллантиришдаги роли ва ўрни юқорида исмлари қайд этилган олимлар томонидан очиқ беришга ҳаракат қилинган. Мазкур масалага психологлар, педагоглар ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, турли даража ва миқёсларда фикр-мулоҳазалар билдиришган. Талабаларни мустақил фикрлашга йўналтириш борасида изланишлар олиб борган психолог олимларнинг ҳар бири унга ўзига хос тарзда ёндашган, таъриф берган. Масалан, З.Нишонованинг фикрича: “Мустақил фикрлаш шахс хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир”. А.Эркаевнинг қарашлари бўйича эса: “Мустақил фикрлаш жамият инсонга яратиб берган имконият ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир”. Психолог олимлар В.Каримова ва Р.Суннатовалар фикр ҳақида шундай дейишган: “Объектив оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг инсон онгига таъсир этиши натижасида ҳосил бўладиган туйғу “фикр” деб аталади. Фикр асосида инсон

кўзи бевосита илғамаетган, унинг кўз ўнгида бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам ўша нарсанинг ички хусусиятига алоқадор бўлган сирли жиҳатларини кўриш имкониятига эга бўлади”. Қ.Ҳасанбоева олиб борган ўз кузатишларига таяниб, мустақил фикрлашга қуйидагича таъриф берган: “Мустақил фикрлаш – инсоннинг ўз олдида турган муаммони аниқ белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ҳолда билими ҳамда ҳаётий тажрибаларига таяниб, ўз интеллектуал имконияти даражасида турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, мустақил равишда ҳал қилишга қаратилган ақлий фаолиятидир”. Ш.Нуруллаева эса, ўз тадқиқотида мустақил фикрлашга қуйидагича таъриф беришга уринган. Унингча, “Мустақил фикрлаш – бу инсон сезги органлари ва ақлий фаолиятининг бирлиги натижаси ўлароқ, мустақил равишда таҳлил қилиш, умумлаштириш, индуктив ва дедуктив хулосалар чиқариш, таққослаш, аниқлаштириш каби фикрий амаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ақлий фаолиятидир”.

Талабаларнинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш омиллари ҳақида тўхталганда, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, берадиган натижаси ҳақида фикр юритиш муҳим саналади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, талабанинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантиришда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш керак: Биринчидан, талабалар учун мустақил фикр юритиш, ўз фикрини эркин баён этиш, изланиш, ўз хулосаси билан тенгдошларини таништириш кўникмаларининг ўзлаштирилишини кўзда тутувчи дас жараёнларини ташкил этиш лозим. Бунда таълим технологиялари педагогик фаолиятнинг маълум соҳасини қамраб олиши назарда тутилади. Фаолият соҳаси, бир томондан, танланган технологияга мувофиқ унинг асосини ташкил этувчи қаторлар тизимини ҳосил қилса, иккинчи томондан, фаолиятнинг таркибий қисми сифатида юзага чиқади. Янги педагогик технологияларнинг бош вазифаларидан бири замонавий таълим мазмуни асосида талабанинг ўқув тафаккур фаолиятини шакллантириш, яъни таълим технологияси асосида талабаларга билим бериш, бу жараённинг самарадорлигини кафолатлаш бош масалалардан бири ҳисобланади. Ўтказиладиган ҳар бир дарс жараёнини алоҳида тайёргарлик билан ташкил этиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, бу жараён талабанинг мустақил фикрлаш, эркин тафаккур юрита олиш, ўз позициясини намоён эта олиш компетенциясини ривожлантиришга хизмат қилади. Иккинчидан, дарс жараёнларида ўқитишнинг самарали воситаларидан унумли, ўринли фойдаланиш зарур. Дарс жараёни учун танланган ҳар бир услуб таълим сифатига таъсир этади. Услуб танлашда қуйидагиларга эътибор бериш керак: дарс мавзусига, дарсга қўйилган мақсадга, дарс шаклига, талаба сонига, талаба ёшига, талаба тажрибасига, ресурсларга, талабаларнинг тайёргарлик даражасига, талабаларнинг эҳтиёжларига, талабаларнинг руҳиятига, менталитетига. Учинчидан, амалий машғулотларни ташкил этиш жараёнида талабаларнинг қизиқишлари асосида турли хил йўналишдаги тадбирларни ташкил этиш орқали талабанинг ўз онгидаги мавжуд билимларни ривожлантириш, ўз қобилиятларини намоён этиш, имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳити яратилади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ташкил этиладиган

амалий машғулотларда талабанинг қизиқишлари ва лаёқатини инобатга олган ҳолда таълим-амалиёт жараёнининг сифатини ошириш мумкин. Ижтимоий гуманитар фанларнинг ўқитиш жараёнининг ўзига хослиги ҳам талабарни мустақил фикрлатиш, мустақил фикрлатиш, мустақил ишлаш, мустақил қарорга келиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. Тўртинчидан, ахборот-гуманитар фанларни ўқитишда талабаларнинг фанга оид манбаларни кўпроқ ўрганишга ёрдам беради. Фанларни ўқитишда компьютерлардан фойдаланиш асосан “ўқув педагогик дастур”лар ёрдамида амалга оширилади. Қолаверса, замонавий компьютерларнинг дастурий таъминотига мавжуд бўлган турли матн муҳарриридан, график, электрон жадвал, маълумотлар жамғармаси каби дастурлардан фойдаланиш дарс самарасини ошириш билан бирга, талабаларда компьютер техникасини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади. Шу билан бирга айрим мавзуларда ўқув фильмлари ёки видеолардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитувчилари дарс ўтиш дараёнида инфорацион технология элементларини ўз фанида қўллаганида талабалар ахборотларни олиш, узатиш, қайта ишлаш каби жараёнларнинг моҳирига айланишади. Айрим мавзуларнинг компьютер имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёритилиши талабаларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди. Бу эса, талабаларни изланувчанликка, мантиқан фикрлаш қобилиятини оширишга ва муаммоларини ҳал этишга яхши самара беради. Бешинчидан, тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш орқали ўқувчиларда фанларни ўқитиш жараёнидаги изланишлар билан мустақил ижод қилиш кўникмаси ҳосил қилинади. Ҳар бир талабанинг қобилияти асосида, ўз хоҳишига кўра маълум бир мавзуда тадқиқотлар олиб бориши натижасида, унинг мустақил фикрлаш компетенциясини ривожлантириш учун имконият берилади. Олтинчидан, ўқув-қўлланма билан мустақил ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш орқали талаба ўз тажрибаларига таянган ҳолда материалларни ўрганади ва уларга ўз муносабатини билдиради. Дарслик билан мустақил ишлаш орқали талабаларда дарс жараёнларига олдиндан тайёргарлик кўриш учун имконият берилади. Дарсликдаги мавжуд материалларни ўзлаштиришлари баробарида уларда мавжуд маълумотларга нисбатан мустақил равишда фикр билдириш кўникмаси ҳосил қилинади. Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, дорзарблиги, универсаллиги билан баркамоллик сари талабаларни етаклайди, жамият ва табиат ҳодисаларини англашда пухта негиз ҳозирлайди.

Фикр юритишнинг мустақиллиги, ақлнинг ташаббускорлиги, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. Ақлнинг ташаббускорлиги деганда, инсоннинг ўз олдига янги муаммони, аниқ мақсад, яққол вазифа қўйишини, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишда, ечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўриқиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутати. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда ҳамда янги усул ва воситаларнинг энг мақбулини саралаш ва ўз ўрнида аниқ қўллашда, эски йўллардан

фориг бўлиш ва бошқа рухий жараёнларда ифодаланади. Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини қиёсий билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга атрофлича баҳо бера олишда ақлнинг танқидийлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар танқидийлик муҳим белгиларга, муаммо моҳиятининг мезонларига асосланса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик дейилади. Ақлнинг танқидийлиги субъектив (шахсий) хатоларга, умуман, субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик деб аталади. Инсон фикрлашидаги танқидийлик одилонга, оқилонга, омилкорлик билан амалга ошса, намоён бўлса, ундан шахсда ҳам ақлик, ҳам ахлоқий сифатлар вужудга келиши мумкин. Фикр юритишнинг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўлади. Муайян соҳага алоқадор илгари сурилган ғоялар, фикрлар, тавсияномалар бўйича амалий ва назарий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай фикрни сермахсул, дейиш ҳақиқатга яқин бўлади. Вақт оралиғида бажарилган ақлий фаолият кўламига ва сифатига оқилонга баҳо бериш фикр юритиш маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қилади. Инсон оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билангина чекланмай, ҳодисалар моҳиятини теран очишга интилса, оддий турмуш ҳақиқатидан ҳам умумий қонуният кашф қилиш мумкин. Тўғрисида айтганда, инсоннинг мустақил фикрлаши ҳали изланмаган, тўла фойдаланилмаётган имкониятлар инсон тафаккури билан кашф қилиниши фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Инсон камолоти жисмоний, ахлоқий ва ақлий босқичлардан иборат бўлиб, мустақил фикрлаш камолот пиллаоясининг сўнгги чўккиси сифатида қаралади. Инсониятнинг ҳозирги босқичида ақлий камолотга етишиш асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиш, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатти-ҳаракатлар, узлуксуз фаоллик, фидойилик, фидойилик намуналари эвазига аста-секинлик билан, босқичма-босқич амалга ошиши мумкин. Комил инсон бўлиб шаклланиш каби эзгу ниятни кўнгилга туккан жонажон юртимизнинг ёш авлодлари аجدодларимиз томонидан яратилган маънавий қадриятларни эгаллаш учун ҳамда келажагимиз ривожини таъминлаш мақсадида мустақил фикр юритишга, ижодий изланишга пухта ўрганмоққа интилишлари лозим. Таълим тизимида хос бундай жараёнларни турли фанларни ўқитишнинг ташкилий жиҳати ҳамда мазмунида яққол ифодаланмоқда. Ижтимоий-гуманитар фанлар инсоният яшаётган сайёра, яъни Ер ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга, умуминсоний маданиятнинг муҳим таркиби, маданиятни тарбиялашга йўналтирилган ўқув фанларидир.

Талабанинг билиш қобилиятини ривожлантириш барча ўқув фанларини ўқитиш жараёнида устувор вазифа саналади. Зеро, таълим мазмунини янгилашда, унинг талабанинг ривожлантирувчи жиҳатини, имкониятини таълим мақсадларига тўлиқ сафарбар этиш асосий диққат-эътиборда бўлиб келмоқда.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримова В., Суннатов Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 193 б.
2. Мусаев Ж.П. Мустақил фикрлашга йўналтирилган ўқув материалларини моделлаштириш технологияси. “Мактаб ва ҳаёт” журнали, 2008 йил, 7-8 сон. 11-12-бетлар.
3. Нишонова З. Мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик асослари: Психол. фан. док. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2005. – 38 б.
4. Ғозиев Э., Икромов Ж. Мустақил фикрлашнинг комилликка таъсири // Ж. Халқ таълими. – 2001. - № 4. Б. -31-37.

